

Ўқшамой

Сирдон



Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2010 й.

84(5Ў)6

Ў67

Ўктамой

Сирдон / Ўктамой. — Т.;Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. — 296 б.

ББК 84 (5Ў)6

Ушбу китобимни дунёдаги энг гўзал аёл — меҳрибон онажоним Оминахон Муҳаммадйусуф қизига бағишлайман.

Истеъдодли шоира Ўктамой (Холдорова)нинг қўлингиздаги китоби унинг ижодий фаолиятдан бир гулдастадир. Унда кўнгила аталмиш дунёнинг гўзал ва нозик тебранишлари ўз ифодасини топган. Зеро китобнинг «Сирдон» деб аталиши ҳам бежиз эмас.

Тўпلامдан ўрин олган мақола, суҳбат ва бадиаларда қадриятларимиз ҳақидаги мушоҳадалар сизни бефарқ қолдирмайди.

ISBN 978-9943-06-284-9

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2010 й.

ИЗПАП



* * *

Хазондек қовжираб, тутдек тўкилиб,
Сирғалиб тушяпман оёқларингга
Изларингни тавоф этмоқлик учун.

Кўз ёшлар ёмғири тинмайди йиллаб,
Ёғаяпман ёшимдан кўкарар майса:
Сенинг бағрингдаги шафқат майсасин
Уйғотиб мақсудга етмоқлик учун.

Ўйлайман ўйларинг рангинлигини,
Рангсиз кунларимни гуллашиб қўйиб,
Ёндириб саҳронинг барханларида
Кетдингни кўнгилдан кетмоқлик учун.

Ўзимга қайтыпман, тўзиган бардош,
Тўфондек қутирган хаёлларингнинг
Баҳридан бир ҳатлаб ўтмоқлик учун.



* * *

Шамол-фаррошлардай
хаёлларингни —
Супуриб ташласам хаёлларимдан,
Кошки, улар кўнглим қайтиб бузмаса.
Ёки бир кун тўплаб хазонларингни,
Ёқиб юборсайдим оловларимда.
Кулларингни берсам дайди елларга,
Улар кўкка сочиб-социб ўйнашса.
Жонимни оғритар хотираларинг,
Беҳуш сўқмоғингни кезмоқдан бездим,
Бир оғир юклардан эзилдим, бездим,
Кетаман илинжлар арқоғин узиб.
Кўнгилга суяндим, тикони ботар,
Ишқ эса ўзини солар бозорга.
Товон тўлайсанми, берурмисан бож
Дардларинг ортмоқлаб юрган ҳаммолга?

* * *

Ёстиғим бардошдир,
Ёстиқ сирдошим,
Унга чизилгандир
Анвойи гуллар.
Ҳар кеч суғораман
Маъюс гулларни,
Кўзларим ёши-ла
Фунчалар қулар.
Муроса қиламан
Ҳар кун тун билан
Сабри тугаб соғинч
Томади чак-чак.
Бу товушдан чўчиб,
Кетади учиб
Гулга қўниб турган
Думбул капалак.
Ёшим томиб-томиб
Бўлар кўлмакча,
Менинг ҳасратимдан
Безиган гуллар
Жон деб оқиб кетар
Ирмоқчаларда.
Ёстиқда қолмади
Бирор-бир шакл.
Ҳамон дарбадарман
Ҳижрон чўлида.
Паймонаси тўлиб,
Бир кун мени ҳам
Оқизиб кетмасми
Соғинч селида?

* * *

Мен кўклам фармони—
япроқман,
Баҳорда дарахтларнинг
Шохларига санчиб
ташланган.
Кўнглим ишқнинг
товонларида
Чумолидай янчиб
ташланган.



* * *

Ёлғизлик ҳоритган маъюс каптарнинг
Кўзидан думалар бир томчи ёш
Томчи зилдай оғир ва паришонхотир.
Шиддат-ла тушаркан ерга гурсиллаб
Суюклари парчаланиб кетар ҳар томон
Гумбурлаган садо ўтакасин ёради туннинг
Майсалар бир сакраб тушар сесканиб
Бир донни талашаётган
Очофат чумолилар қочади тумтарақай.
Чаҳ-чаҳлашаётган икки қушнинг
Капалаклари учди учишдан аввал.
Ур-йиқит бу талотўмлардан
Сичқон кўпроқ фойда кўрганди:
Инин пуллаб олди минг бир тангага
Кечагина тухумдан чиққан
Фаррош шаббода довдирар
Сочилган томчининг суюгини
Қай гўрга элтишни билмасдан.

* * *

Мен сизсиз ҳеч кимман,
Ёпишдим маҳкам
Совуқ нигоҳингиз
Этакларига.
Азоблар улғайтди
Тушиб қолдим сўнг,
Сифмасдан соғинчнинг
Чўнтақларига.

* * *

Соғинчлар бағринга
Нишлар урганида,
Келдинг бир сархуш
Аччиқ ёшларингни
Пиёлада кўтариб.
Висол бода тутди,
Тўйиб-тўйиб ичдинг
Жонингга тегди ишқ.
Кетдинг — муҳаббатнинг
Кўкрагидан итариб.

* * *

Ёмфир ўлчагич,
Ёмфир ўлчагич!
Йилларким йиғилган
Кўнгил жомида
Ҳижрондан, соғинчдан
Селга айланган
Кўз ёшларим ёмфирларини
Ўлчай оласанми,
Ёмфир ўлчагич?





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2624> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2624> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/2624>